

Жамғарма маблағи қандай мақсадлар учун ишлатилади?

2-с.

“Ўзимни банд қилсам, болалар нафақаси оламанми?”

Ижтимоий нафақа олишда ўзини ўзи банд қилиш кўпроқ икки ва ундан кўп болали оилаларга фойдали бўлиши мумкин.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
12 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

№63
(2201)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

“Кутубхона очиб, маънавиятга ҳисса қўшсак дейман...”

Йиғинимиздаги 400 дан ортиқ ёш “Мутолаа” иловасини телефонига ўрнатган. Ушбу иловада барча жанрдаги китоблар ва уларнинг аудиоси мужассам. Бироқ китобларни кутубхонада ўқишнинг завқи бошқача. Таклифим шундан иборатки, маҳалламизда кутубхона ташкил этиб, ёшларни кўпроқ китобхонлик билан банд қилсак дейман. Шунда маънавиятга катта ҳисса қўшган бўлардик.

4-с.

Солиқларни ихтиёрий тўлаш кўрсаткичлари ортмоқда

Солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши ва “маҳаллабай” ишлаш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида солиқ тўловчилар сони ҳамда солиқларни ихтиёрий тўлаш кўрсаткичлари мунтазам ўсиб бормоқда. Натижада энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларим яхшиланмоқда.

5-с.

“Оилаларга умид олиб киряпмиз”

Ҳар бир соҳада қийинчилик, тўсиқлар бўлиши аниқ. Энг муҳими, уларни собит ишоч билан енгиб ўтиш керак. Кам таъминланган, ногиронлиги бўлган оилаларга кирганда, кимдир қучоқ очиб кутиб олса, бошқалар жуда совуқ муносабатда бўлади. Баъзилар имконияти чекланган фарзандини кўрсатишни истамайди. Лекин барчанинг кўнглига бирдек йўл топишга ҳаракат қиляпмиз. Биз орқали оилаларга умид кирмоқда.

7-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Томорқа — оила фаровонлигининг муҳим омили





Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Ишчи гуруҳлари маҳаллаларда бўлиб, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишяпти.

Ишчи гуруҳ аъзолари Жиззах вилояти Зарбдор туманида бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди, бандлик, тадбиркорлик, томорқадан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар ҳолатини кўздан кечирди. Хусусан, масъуллар “Лалмикор” маҳалласида “еттилик” вакиллари билан суҳбатлашди. Йиғиннинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан танишиб, керакли маслаҳатлар берилди. “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини кучайтириш, самарали иш фаолиятини ташкил этиш ва тизимга яратилаётган имкониятлар тўғрисида суҳбатлашилди.

Шундан сўнг хонадонлардаги томорқалар ҳолати Ишчи гуруҳ аъзоларининг диққат-марказида бўлди. Томорқадан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар кўздан кечирилар экан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда томорқада етиштирилган маҳсулотларнинг аҳамияти, ихчамгина томорқадан рўзғор бутлигини таъминлаш мумкинлиги ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.

ТАКЛИФ

“БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИНИ ЯРАТУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИГА ЎЗГАРТИРДИК”

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтириш масаласи давлатнинг энг муҳим стратегиясига айланган? Бу бежиз эмас. Чунки ишсизлик ўз ортидан кўплаб муаммоларни етаклаб келади.

Ана шу йўлдаги ҳаракатларимиз ортидан бугун маҳалламиз ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Йил бошида аниқланган 98 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Хўш, бунга қандай эришдик? Аввало, одамларда ҳаракатчанлик, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантирдик. Боқимандалик кайфиятини яратувчанлик қобилиятига ўзгартира олдик. Биринчи навбатда “драйвери”миз — деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга урғу бердик.



2-саҳифада.

ТАШАББУС

Тезкорлик, аниқлик, шиддат ва шижоат баҳси

Маҳалла ёшларининг ўзига хос спорт байрамига айланган мусобақа — гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги”нинг туман (шаҳар) босқичи ўз якунига етяпти. 17-30 ёш тоифасидаги минглаб ёш спортчиларни бирлаштирган турнир қизғин ва муросасиз баҳсларга бой ўтяпти.

Мусобақанинг **Сўх тумани** босқичида маҳаллалараро саралаш жараёнларида ғолибликни қўлга киритган жамоалар вилоят босқичи йўлланмаси учун беллашди. Тезкорлик, аниқлик, шиддат ва шижоат баҳсида “Ровон” маҳалласи ёшлари барча рақибларидан устун келишди. Кейинги ўринлар мос равишда “Қалъача” ҳамда “Чашма” маҳаллалари жамоаларига насиб этди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилаётган турнирнинг **Жалақудуқ тумани** босқичида ҳудуддаги барча маҳалла жамоалари ўз маҳоратини намойиш этди. Муросасиз беллашувлар якунида 1-ўринни “Намуна” маҳалласи, 2-ўринни “Дўстлик” маҳалласи, 3-ўринни “Жалақудуқ” маҳалласи жамоалари қўлга киритди. Энди намуналик ёшлар вилоят босқичида туман шарафини ҳимоя қилади.

Эслатиб ўтамиз, мусобақанинг ҳудудий босқичи октябрь ойи давомида, Республика финал босқичи ноябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида ўтказилади. Республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритган жамоага “Universal”, иккинчи ўринга “Street workout”, учинчи ўринга “Workout” спорт майдончалари қуриб берилади.



ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ДАВРИДА ИШ ЎРНИ САҚЛАНАДИМИ?

Мен билан меҳнат шартномаси ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилгани муносабати билан бекор қилинди. Ҳозир ўрнимга янги ходим ишга қабул қилинган...


4-саҳифада.



ЭСКРОУ ШАРТНОМАСИ БЎЛСА, ПУЛ ТЎЛАБ, УЙСИЗ ҚОЛМАЙСИЗ

Ишни бажарувчи, хизмат ижрочиси, товарни топширувчида ишни бажарган, хизматни кўрсатганидан ёхуд товарни топширганидан сўнг унинг ҳақини ололмаслик хавфи камаяди.

6-саҳифада.



ОТА-ОНАЛАР УЧУН МАХСУС ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Ачинарлиси, 3-4 ойлик келин-куёвлар ҳам ажралиш ёқасига бориб қоляпти. Уларга кўникиш, бир-бирини тушуниш каби туйғулар бегона...

8-саҳифада.





Президент Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президентининг таклифига биноан АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН Ашхобод шаҳрида бўлди.



Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишлар ва режалар билан танишди.



Президент имзолаган қонун билан ер муносабатларида ТЕНГЛИК ва ШАФФОФЛИК таъминланади.

ТАКЛИФ

“Маҳалламиз ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айланди”

Халқимизни ҳаётдан рози қилишда маҳаллалар ободлигини таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ислоҳотлар натижасида бизнинг маҳалла ҳам гўзал қиёфага кирди. Хонадонларга ичимлик сув тармоғи тортилган. Аҳолининг 50 фоизи бундан 3 йил аввал ичимлик сув билан таъминланганди. Жорий йил қолган 8 километр кўчага янги тармоқ тортилиб, ёртепаликларнинг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Ҳалима АБДУРАҲМОНОВА, Тўрақўрғон туманидаги “Ёртепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Пахтаобод, Гулбоғ кўчасининг 2 км. қисми асфальтланди. 2 дона янги трансформатор ўрнатилиши натижасида Файзиобод, Гулбоғ, Пахтаобод кўчаларидаги хонадонларнинг электр таъминоти яхшиланди.

Асосий эътиборни ҳудуддаги ишсизлик билан боғлиқ муаммоларга ечим топишга қаратганмиз. Биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож, энг оғир шароитда яшаётган ногиронлиги бор шахслар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ишсиз инсонларнинг муаммосини ҳал қилишга эътибор беряпмиз. “Маҳалла еттилиги” кўмаги билан янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадларини ошириш таъминланмоқда. Ўтган йилги хатловда 70 нафар ишсиз аниқланган бўлса, ҳозирда барчасининг бандлиги таъминланди. 4 нафар талабгорга субсидия асосида тикув машинаси берилди. 14 нафар фуқаронинг ҳар бирига тадбиркорлик йўналишини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит ажратилди. Яна бир қувонарли ҳолат — 2024 йилда ҳудудимизда бирорта жиноят содир этилмади. Оилавий ажралишлар кузатилмади.

Гулноза Зиёвуддинова оила даромадини ошириш мақсадида имтиёзли кредит ҳисобига хонадонида иссиқхона ташкил этган. Бундан ташқари, чорвачилик, паррандачиликни йўлга қўйган. Томорқада бирор қарич бўш жой учратмайсиз. Ердан унумли фойдаланиш натижасида йилига 60 миллион сўм даромад топмоқда.

Ишсиз бўлгани учун “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинган Маърифат Ниёзовага субсидия асосида тикув машинаси ажратилди. Бугун кўрпа-тўшак, дастурхон тикиб, ойига 2 миллион сўм фойда олмоқда.

Гулзода Шаҳобиддинова оиласида қўшимча даромад топиш борасидаги тажриба мақтовга лойиқ. Томорқадаги 1 сотихли иссиқхонада қишнинг қаҳратон кунларида қулупной етиштирилади. Бундан ташқари, ўтган йили 40 миллион сўмлик биогомус сотган. Улуғбек Усмонов хонадонида уч бош қорамол, 15 та товуқ бор. Рўзғорга зарур бўлган сут, қатиқни бозордан сотиб олишга ҳожат йўқ.



Фақат бир масала ечилмай келмоқда. Истиқлол кўчаси туман марказидан оқиб ўтган Косонсой сойининг бошқа тарафида жойлашган. 30 та хонадон маҳалладан ажраб қолган. Тез тиббий ёрдам, ёнғин хавфсизлиги автомашиналари бора олмайди. Шу сойга кўприк қуриб берилса, аҳолининг мушкули осон бўлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Жобирхон АЛИХОНОВ, Янги Наманган туманидаги “Бунёдкор” маҳалласи раиси:

— Маҳалладаги чиқиндиларни хонадон эгалари билан тузилган шартнома асосида олиб чиқиб кетилади. Эндиликда “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, жорий йил якунига қадар эксперимент тариқасида, хусусий сектор иштирокида маҳалла ободлигини таъминлаш бўйича тубдан янги тизим жорий этилиб, “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилди. Шу ўринда бир савол пайдо бўлмоқда. Ушбу тажриба барча маҳаллаларда амалиётга жорий қилинса, ҳозирда шартнома асосида чиқинди олиб чиқиб кетаётган корхоналар билан ишлаш тўхтатиладими?

“МАҲАЛЛА СЕРВИС КОМПАНИЯСИ” ТАШКИЛ ЭТИЛСА, ШАРТНОМАНИ КИМ БИЛАН ТУЗАМИЗ?”



Жамшид НАЗАРБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бош мутахассиси:

— Юқоридаги қарорда белгиланганидек, Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олинади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Сервис компанияси ўртасидаги хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри амалга оширилади. Уларга маҳаллалар биноси ҳудудида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида хоналар ажратилади ҳамда зарур техник воситалар ва ускуналар соз ва ишчи ҳолатда сақлаш шарти билан бепул фойдаланишга берилади. Сервис компаниясига устувор равишда маҳаллада истиқомат қилувчи, вақтинча ишсиз, мавсумий ишларга чиқадиган фуқаролар жалб қилинади.

Ҳудуд ободлигини таъминлаш ишлари маҳалла фуқаролар йиғинининг буюртмаси ва назорати асосида амалга оширилади. Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғинининг буюртмаси асосида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизматларини бажаради. Ариқлар ва суғориш тизимларини тозалайди, кўчаларнинг тозалигини таъминлайди, кўчатлар экади ва парваришлайди. Шартнома асосида ижтимоий соҳа объектларида ободонлаштириш ва коммунал эксплуатация хизматларини кўрсатади. Чиқиндиларни йиғиб саралайди ва чиқинди корхоналари томонидан олиб чиқиб кетилишини ташкил этади.

Яъни маҳаллалар ҳозирда шартнома асосида чиқинди олиб чиқиб кетаётган корхоналар билан ишлашни давом эттиради.

ТАЖРИБА

“Йиғинда мактаб қурилса, ўқувчилар назорати ўзимизда бўларди...”


Маҳалламизда ишсизликни бартараф этиш, камбағалликни қисқартириш учун шаклланган касб-ҳунарларни ривожлантириб, “драйвер”га айлантириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга эришяпмиз. Айниқса, даромади кам, лекин ҳаракат қилаётган ва муҳтож оилалар билан ишлашда “ўсиш нуқтаси”, яъни ихтисослашувдан самарали фойдаланяпмиз.

Жаҳонгир ИСОҚОВ, Қўштепа туманидаги “Қамиштепа” маҳалласи раиси.

Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда яхши натижаларга эришдик. Унга кўра, ҳунармандчилик асосий “ўсиш нуқта”си сифатида белгиланган. Ҳудуд мебелчиликка ихтисослашган бўлиб, 200 га яқин хонадон шу иш билан шуғулланади.

Дониёр Холбеков замонавий дастгоҳлар асосида ойнага ишлов бериш тармоғини ташкил этган. У бугунги кунда буюртма асосида мебелларга сайқаллаб, ишлов берилган ойналарни етказиб бермоқда. 20 нафар маҳалла ёшлари бу ерда ишлаб, ўртача 7-8 миллион сўм иш ҳақи олмоқда.

Зуҳриддин Машрапов хонадонида мебеллар учун матраслар тайёрлайди. Оила-аъзолари шу иш билан банд. Ҳусанбой Нурматов хонадонида ҳам турли ўлчамдаги матраслар ишлаб чиқариляпти. Бу ерда 10 та иш ўрни яратилган.



Икромжон Отабоев ўз уйида мебелчиликни ташкил этган. Унинг маҳсулотлари харидоргир. Бундан ташқари, хонадон аъзолари узумчиликдан яхши даромад оляпти.

Адҳамжон Бўронов ётоқхона мебеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Тожиддин Маҳмудов маҳалладаги мебелчиларга хомашё етказиб бермоқда. Бу ерда 15 нафар ёшлар бандлиги таъминланган.

Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириб, яшаш шароитимиз яхшиланди. 2 км. масофадаги ички йўллар асфальтланди. Эскирган 3 та трансформатор янгисига алмаштирилди. Ички кўчаларнинг 3 таси шағалланди. Жорий йил охиригача йўл, электр таъминоти бўйича барча масалалар ҳал бўлади. Жаҳон банки лойиҳаси асосида 7 км. масофадаги кўча асфальтланиши учун 3 миллиард 905 миллион сўм, электр таъминотини яхшилаш учун 1 миллиард 760 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 950 миллион сўм маблағ ҳисобига спорт майдони қуриш режаланган.



Бундан ташқари, турли манбалар ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жорий йил имтиёзли кредит, субсидия берилди. Натижада “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган кўплаб кишилар доимий иш ўрни ҳамда даромад манбаига эга бўлди.

Ўрни келганда бир таклифни айтмоқчиман. Ҳудудда умумтаълим мактаби йўқ. Ўқувчилар қўшни маҳаллада жойлашган мактабга қатнаб, таълим олмоқда. Агар мактаб қуриб берилса, фарзандларимиз сифатли таълим-тарбия олишини таъминлаган бўлардик.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилмурод НУРМУҲАММЕДОВ, Фориш туманидаги “Осмонсой” маҳалласи раиси:

— Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағларидан қандай мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилган?

ЖАМҒАРМА МАБЛАҒИ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАР УЧУН ИШЛАТИЛАДИ?



Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи:

— “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом”га кўра, жамғарма маблағлари маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш, нуронийлар ва кексаларни маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва раҳмдиллик сингари анъаналарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини тўлақонли ва самарали жорий этишга сарфланади.

Бундан ташқари, “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш, “Маҳалла еттилиги” аъзоларини ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда улар орасида ўз фаолияти намунали ташкил этганларни рағбатлантириш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга йўналтирилади.

Қолаверса, уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмалари, фуқаролар йиғинларининг биноларини капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентарлар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш, маҳаллалар фаолиятига оид тайёрланган услубий ва амалий қўлланмаларни нашр этиш, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган фаолларни рағбатлантириш каби бир қатор мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилган.



Айрим қонун ҳужжатлари “Ўзбекистон Республикасининг ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ тўғрисида”ги қонунга мувофиқлаштирилади.



“Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Фан олимпиадалари ғолибларига тўланадиган пул мукофотлари ва бериладиган совғалар ДАРОМАД СОЛИҒИдан озод этилади.

ТАКЛИФ

“Бокимандалик кайфиятини яратувчанлик қобилиятига ўзгартирдик”

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтириш масаласи давлатнинг энг муҳим стратегиясига айланган? Бу бежиз эмас. Чунки ишсизлик ўз ортидан кўплаб муаммоларни етаклаб келади. Шу боис, ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини янада яхшилаш, маҳаллаларда одамлар учун муносиб шароит яратиш ҳозирги пайтда ғоят муҳим.



Муҳиддин ҚОРАҚУЛОВ,
Шўрчи туманидаги “Совжиронбобо” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ана шу эзгу мақсад ортидан бугун маҳалламиз ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Йил бошида аниқланган 98 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Хўш, бунга қандай эришдик? Аввало, одамларда ҳаракатчанлик, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантирдик. Боқимандалик кайфиятини яратувчанлик қобилиятига ўзгартира олдик. Биринчи навбатда “драйвери”миз — деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга урғу бердик.

Халқимиз деҳқончиликнинг ҳадисини олган, меҳнатда тобланган. Имконият берилса, экин-текин қилиб, ўз дастурхони ва бозорларимиз тўкинлигини таъминлайди. Президент ташаббуси билан ишсиз, даромад манбаига эга бўлмаган 37 та оилага узоқ муддат фойдаланиш учун 15 сотихдан ер берилди. Натижада кечагина эҳтиёжманд сафидагилар бугун ўзини ўзи банд қилиб, йилига 50 миллион сўм даромад топяпти.

Ана шундай миришкор деҳқонлардан бири — Элдор Абраматов. Йилига 3 марта ҳосил олмоқда. Биринчи экинга пиёз, иккинчисига ерёнғоқ, учинчи экинга тўқсонбости сабзавот экмоқда. Йилига даромад 50-60 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, аҳолини паррандачилик, қўй-эчкичилик, қуёнчилик, балиқчилик, асаларичилик билан банд қилиш учун етакчи тадбиркорларни жалб этдик. Мавлуда Ғойимова чорвачилик йўналишида насли қорамол парваришлашни йўлга қўйди. Ҳозирда Голландиядан 7 бош наслли қорамол олиб келиб, парваришлаяпти. Ўзи билан биргаликда 3 кишининг бандлиги таъминланган. Сут ва гўшт етказиб бериш ҳисобига йилига 60 миллион сўм фойда кўряпти.

Шунингдек, ишсизликни бартараф этишда фуқароларни касб-ҳунар марказларида ўқитдик. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурларидан фойдаланиб, ўқуви ва хоҳиши борларга имтиёзли кредит ажратдик.

Масалан, ишсиз сифатида рўйхатга олинган Шерзод Исматуллаев 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига автомобиль ювиш шохобчаси ташкил этди. Ҳозирда 5 та иш ўрни яратган.

Фурқат Хуррамов 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 20 турдаги туникабонд ва 50 турдаги брусчатка ишлаб чиқариш ва ўрнатиш фаолиятини йўлга қўйган. Натижада 14 нафар миграциядан қайтган ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ишчи-ходимларига 5-6 миллион сўм атрофида маош беряпти. Ойлик даромади 120 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Таклифим, ер ажратишда ижтимоий дафтардаги фуқароларга устунлик берилиши керак. Чунки уларнинг аукционда қатнашиб, ғолиб чиқиш эҳтимоли камроқ.



Ишсиз сифатида рўйхатга олинган Шерзод Исматуллаев 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига автомобиль ювиш шохобчаси ташкил этди. Ҳозирда 5 та иш ўрни яратган.



Фурқат Хуррамов 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 20 турдаги туникабонд ва 50 турдаги брусчаткалар ишлаб чиқариш ва ўрнатиш фаолиятини йўлга қўйган.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“ЎЗИМНИ БАНД ҚИЛСАМ, БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ОЛАМАНМИ?”

Нозима ПЎЛАТОВА. Чирчиқ шаҳри:

— Оилада эр-хотин ишламаймиз. Қарамоғимизда 2 ёшли фарзандимиз бор. Болалар нафақаси олиш учун маҳаллага мурожаат қилгандим. Бу ҳолатда аризам рад этилмаслиги учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишим лозимлигини айтишди. Шу тўғрими?



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги медиа марказ раҳбари:

— Амалдаги қонун талабига кўра, оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда, охирги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси томонидан меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад этилган ҳолларда ариза қайтарилади. Бундан ташқари, расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлганда ҳам нафақа тайинланмаслиги белгиланган. Агар сиз мана шу мезонларга мос тушсангиз, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтсангиз бўлади.

Аммо барибир аризангиз рад этилиши эҳтимоли катта. Чунки кўпчилик ўзини ўзи банд қилса, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам пулини олишим мумкин, деб ўйлайди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган низомда, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар-нинг даромадлари миқдорини аниқлашда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори(1 октябрдан 1 155 000 сўм)нинг икки баравари (2 310 000 сўм)га тенг бўлган бир ойлик ўрта-ча норматив даромад қабул қилиниши белгиланган. Яъни, сиз ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинсангиз, шу маблағни топаётган ходимга айланасиз. Қарамоғингизда бир нафар бола бўлгани учун даромадингиз киши бошига болалар нафақасини олиш учун белгиланган минимал истеъмол ҳаражатлари миқдори — 648 минг сўмдан ошиб кетади. Табиийки, аризангиз рад этилади. Ижтимоий нафақа олишда ўзини ўзи банд қилиш кўпроқ икки ва ундан кўп болали оилаларга фойдали бўлиши мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

АУКЦИОНДА ОЛИНГАН ЕР СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИМИ?

Шерзодбек НЕЪМАТУЛЛАЕВ. Чортоқ шаҳри:

— Тадбиркорлик фаолияти учун электрон аукцион савдо орқали олинган ер участкаларига солиқ солиш тартиби қандай? Улар 2 йил солиқдан озод этилиши ростми?

Аборбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Солиқ кодексининг 433-модда 1-қисмига мувофиқ, мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчилари, деб эътироф этилади.

Мазкур Кодекснинг 440-моддаси 1-хатбошига кўра, жисмоний шахслар йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқни расман ажратилган вақтнинг кейинги ойидан тўлайди. Шунингдек, Солиқ кодексининг 436-моддасида жисмоний шахсларга ер солиғи бўйича берилади-ган солиқ имтиёзлари рўйхати келтирилган бўлиб, мазкур рўйхатда аукционда сотиб олинган ерларга солиқ имтиёзлари назарда тутилмаган.



Агар солиқ тўловчида солиқ имтиёзига асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлса, уни ер участкаси жойлашган солиқ органига мустақил равишда тақдим этиши лозим бўлади.

Хулоса шуки, аукцион орқали сотиб олинган ер участкалари учун алоҳида солиқ имтиёзлари мавжуд эмас.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ТЎҚСОНБОСТИ ЭКИНЛАРНИ ҚАЕРДА, ҚАЧОН ЭКИШ КЕРАК?

Тўқсонбости сабзавот экинларини эгатлар устидан чириган маҳаллий ўғит, дарахт қипиқлари билан мулчалаш ёки полиэтилен плёнкаларини ёпиш тадбирини қўллаш натижасида ҳосили 25-30 кунгача эрта унади, ҳосилдорлик 15-20 фоиз юқори бўлади.

Махфурат ОМОНОВА,
Фермерлар мактаби Тошкент ҳудудий марказининг “Сабзавотчилик ва полизчилик” модули ўқитувчиси.

Тўқсонбости усулида экиш учун ноябрь ойининг охири, декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат) уруғи сепилади. Уруғ сарфи 20 фоизгача кўпроқ бўлиши керак.

Уруғлар кишки ёғингарчилик натижасида тупроқдаги намликка тўйиниб, ҳаво ҳарорати 4-5 даража бўлганда униб чиқа бошлайди. Кузда экилган сабзи, пиёз ва лавлагининг барги кўкламда экилганига қараганда, 1,5-2 баравар катта бўлиб, ҳосил 25-30 кун олдин етилади.

Тўқсонбости усулдаги сабзининг илдизмеваси қизил рангли Зийнатли, Фаровон каби маҳаллий ёки хорижнинг Шантане 2461, Курода Шантанэ, Нантская 4, Канада ва Карсон нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.



Ўсув даври 90-110 кун. Ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда, жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь–15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экиш керак. Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг.ни ташкил этиб, 1,5-2 см. чуқурликка 52×8 ва 62×8 см. шаклда экилади.

Баҳорда униб чиқиши билан бегона ўтлардан 2 марта тозланади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини 2-3 кг.дан бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда сепилади. Фюзилад супер 12,5 фоизлисини гектарига 1-2 кг.дан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтда пуркалади.

Гектаридан 30 тоннагача ҳосил олиш учун юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 175 кг. азот, 130 кг. фосфор, 80 кг. калий, ўртача унумдор тупроқларда 220 кг. азот, 160 кг. фосфор ва 100 кг. калий, паст унумдор тупроқларда 250 кг. азот, 200 кг. фосфор ва 120 кг. калий берилиши лозим. Парвариш даврида тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75 фоиз бўлиши керак.



Пойтахтдаги метро бекатларига яқин бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг ИШ ВАҚТИНИ ЎЗГАРТИРИШ таклифи илгари сурилмоқда.



Электр энергияси сифатини таъминлаш ва УЗИЛИШЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ тартиблари белгиланди.



Ўзбекистон делегацияси МОЛИЯВИЙ РАЗВЕДКА БЎЛИНМАЛАРИ форумида иштирок этди.

МАНЗАРА

“Кутубхона очиб, маънавиятга ҳисса қўшсак дейман...”



Маҳалламиздаги ёшларни кўпроқ илмга тарғиб қилишни мақсад қиламан. Юқори синфларга кириб, тил ўргатиш марказларида ўқишни масалаҳат бераман. Чунки шиддат билан ўзгариб бораётган замонда дунё тилларини билиш ўта муҳимдир. Тиллар бўйича “Ибрат фарзандлари” орқали аллақачон сертификат олган ёшлар бор.

Зафаржон УМАРОВ,
Марҳамат туманидаги “Бозорбоши” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ўқув курсларида қатнашишга имконияти етарли бўлмаганларга моддий ёрдам бериб, уларни илмга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлайман. Бекмурод Рустамовнинг тил ўрганиш қобилияти яхши, аммо оилавий шароити оғир эди. Шу боис ўқув курслари тўловини тўлаб, уни тил марказига жалб этдим. Бироқ тўсатдан Россияга ишлаш учун жўнаб кетганини эшитдим. Уйига бориб, ҳолатга аниқлик киритдим. Отаси йўқ, бир нафар укаси ва онаси билан яшайди. Онаси “Аёллар дафтари”га киритилган. Мажбурликдан чет давлатга кетишга тўғри келган. Йигит билан телефон орқали суҳбатлашдим, агар юртга қайтса, ўқиш машғулотларидан ташқари, ишга жойлаб қўйишимни айтдим. Албатта, бу таклифни ўйлаб кўришига ишончим комил.

Ёшларнинг теран фикрлаш қобилиятини ошириш учун “Заковат” интеллектуал ўйинини ташкил этдик. Уларнинг ўйинга бўлган қизиқиши ва чуқур салоҳиятини кўриб, хурсанд бўлдим. Бу ташаббус ўз натижасини кўрсатди. Ёшлар “Заковат” интеллектуал ўйинида вилоят босқичида фахрли 1-ўринни олиб, республикага йўлланма олди. Бундан ташқари, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиладиган касблар танлови ва спорт мусобақаларида иштирок этиб, олий ўринларни қўлга киритдик. Маънавий ҳордиқ олишлари учун ҳафта якунида театрга олиб бораман. Мана шундай маданий тадбирлар орқали ёшлар онгини ўстиришга қўлимдан келганича ҳаракат қиламан.

Йил бошида аниқланган хатловга асосан, 969 нафар ёшдан 36 нафарига аукцион орқали 15 сотихдан ер ажратдик. Улар ерни экинга тайёрлаб, маккажўхори, картошка экди. Ҳозирги йиғим-терим мавсумида 5 млн. сўм даромад қилди. 20-30 нафар миграциядан қайтган ёшга оилавий тадбиркорликни ривожлантириши учун 33 млн. сўмгача имтиёзли кредит ажратилди. Қўлидан автомобиль тузатиш келадиган йигитга бўш турган жой ва машина таъмири учун керакли асбоб-ускунларни олиб бердик.

Тажрибамда аксарият ҳолларда хорижга кетмоқчи бўлганларга ер бериб, уларни олиб қолишга ҳаракат қиламан. Ҳозир шу масалада бош қотиряпман. Ёшларга гул етиштириб, бозорда пуллашни ёки тадбиркорга уйдан туриб сотишни маслаҳат бердим. Бирор иш қилмоқчи бўлса, 100 млн. сўмгача имтиёзли кредит олиб беришимни айтдим. Ўзида хоҳиш бўлса, бемалол шу ерда қолиб ишласа бўлади.

Ёшларни китобхонликка жалб қилишни хуш кўраман. Йиғинимиздаги 400 дан ортиқ ёш “Мутолаа” иловасини телефонига ўрнатган. Ушбу иловада барча жанрдаги китоблар ва уларнинг аудиоси мужассам. Бироқ китобларни кутубхонада ўқишнинг завқи бошқача. Таклифим шундан иборатки, маҳалламизда кутубхона ташкил этиб, ёшларни кўпроқ китобхонлик билан банд қилсак дейман. Шунда маънавиятга катта ҳисса қўшган бўлардик.



ВАЗИЯТ

Спорт мажмуаси қурилса, ёшлар бекор қолмасди

Одатда, ёшларга субсидия беришда қонунчиликда кўрсатилган меъёрларга асосан маблағ ажратилади. Лекин баъзилар ана шу меъёрларни била туриб, оилавий шароити барқарор бўлишига қарамай, субсидия берилишини талаб қилади. Ана шундай вақтда уларга қонунчиликни бошидан охиригача бирма-бир тушунтираман.



Жўшқин ЖУМАЕВ,
Ромитан туманидаги “Аттарон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Яқинда ёшларга субсидия ажратилди. Бир аёл келиб, унга ҳам шундай ёрдам кўрсатишимизни талаб қилди. Бу ҳаракатининг сабабини сўраганимда, дугонасига ёрдам пули берилгани боис унга ҳам субсидия асосида тикув машинасини олиб беришимиз кераклигини айтди. Бироқ тикув машинасини харид қилишга турмуш ўртоғининг қурби етади. Оилавий аҳволи яхшилиги боис аёлнинг талаби рад этилди. Анча фурсат унга тушунтиришимга тўғри келди. Мана шундай вазиятда фуқаролар билан ишлаш қийин кечади.

Тадбиркор ёшларнинг жамиятдаги ўрни тобора ошиб бормоқда. Университетда ўқиш билан бир вақтда ўзининг шахсий тадбиркорлигини йўлга қўйган Феруз Каримовни ана шундай ёшлар сафига киритиш мумкин. Ёнимга келиб, иссиқхона қурилишида керак бўладиган ёғоч устунларни ясамоқчи эканини айтди. Бундан ташқари, биогумус тайёрлаш, яъни ўғитни қайта ишлаш таклифини берди. Олдин шу соҳада ишлаган экан. Шу сабаб унга ишонч билдириб, 30 млн. сўм имтиёзли кредит ажратдик. Ҳозир ёнида икки нафар ишчи билан фаолиятини давом эттиряпти. Биогумуснинг 1 тоннасидан 500 минг сўмгача фойда қилади.

Миграциядан қайтган 10 нафар ёшга аукцион орқали 20 сотихдан ер ажратилди. Бундан ташқари, айримларига иссиқхона қуриши ва экин экиши учун имтиёзли кредит олиб берилди. Асосан улар иссиқхонада булғор қалампири билан бирга, помидор, бодринг етиштирмоқда. Ҳозир ҳосилни йиғиб олишга тайёрланяпти.

Ёшларнинг кўпи норасмий ишлар билан машғул. Аксарияти устачилик, пайвандлаш билан шуғулланиб, кунига 150-300 минг сўм атрофида пул ишлаб топади. Биз уларга иш ўринларини таклиф этсак, кўпинча рад этишади. Чунки давлат корхоналари ва заводларида ойлик маош 2,5-3 млн. сўм атрофида, бугунги ёшлар эса бунга қаноат қилмайди, кунлик ишни афзал билади.

Шу ўринда бир фикрни айтмоқчи эдим. Қонунчилик бўйича маҳалладаги тўй-ҳашамлардан маҳалла, албатта, хабардор қилиниши керак. Мисол учун, эрта турмушга чиқаётган қизларнинг ота-онаси маҳалла идорасига келиб, бунинг сабабини тушунтириши лозим. Бироқ яқинда фуқаролардан бири 17 ёшли қизини узатаётиб, бизга бу ҳақда хабар бермаган. Тўй ўтгач, ота-она билан гаплашдик. Улар икки ёшнинг бир-бирига кўнгил қўйганини ва тўйга рози бўлганини важ қилиб кўрсатди. Аслида, ота-она қизини эртароқ турмушга беришни энг яхши ечим сифатида кўрганини суҳбат давомида англаш қийин бўлмади. Шу ҳолатдан кейин хотин-қизлар фаоли билан хонадонларга кириб, ота-оналар билан жиддий суҳбат олиб бордик.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, жиноятчиликни олдини олиш, спортни янада ривожлантириш мақсадида спорт мусобақаларини ташкил этяпмиз. Шахмат ўйнаш учун алоҳида хоналар мавжуд. Курашга қизиқадиган ёшларга мураббийлар бириктирилган. Бироқ футбол ўйинини ташкил этиш учун футбол майдончаси йўқ. Таклифим шуки, ушбу спорт мажмуаси қурилса, ёшларни спортга жалб этиш кўлами янада кенгаярди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўлмас БАХТИЁРОВ. Сариосиё тумани:

— 2024 йил июнь ойида сафарбарлик чақируви резерви (бир ойлик армия) бўйича хизматга чақирилгандим. Шу сабабли мен билан меҳнат шартномаси ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилгани муносабати билан бекор қилинди. Ҳозир ўрнимга янги ходим ишга қабул қилинган. Директорга ишга тиклашини айтсам, ўрнимга янги ходим ишга олинганини билдирди. Касаба уюшмасига мурожаат қилдим. Улар 1 ойлик даъво муддати ўтгани боис судга шикоят қила олмаслигимни айтди. Нима қилсам бўлади?

Ҳарбий хизмат даврида иш ўрни сақланадими?



Толиб ТИЛАВОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани суди судьяси:

— Юқоридаги вазиятда қонунчиликка зид иш бўлган. Чунки Меҳнат кодексининг 168-моддаси 1-қисми 1-бандига кўра, ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилгани муносабати билан меҳнат шартномаси тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра бекор қилинади. Лекин сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга чақирилган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмайди ва иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда, ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади. Шунга кўра, бўшатиш хато бўлгани ва ишга тиклаш тўғрисида судга шикоят қилишингиз мумкин.

Меҳнат кодексининг 560-моддаси 1-қисми 1-бандида якка тартибдаги меҳнат низосининг кўриб чиқилиши учун судга мурожаат қилишнинг муддатлари белгиланган. Унга кўра, ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги иш берувчи буйруғининг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан уч ой этиб кўрсатилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга чақирилган ходим билан меҳнат шартномаси кодекснинг 168-моддаси билан бекор қилиниши ғайриқонуний. Бундан ташқари, ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича даъво муддати 1 ой эмас, балки ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги иш берувчи буйруғининг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан 3 ой ҳисобланади.

БИЛАСИЗМИ?

Амалиётчи талабага ҳақ тўланади

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан “Олий таълим ташкилотлари талабаларининг иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.



Низомга кўра, ушбу амалиётни ташкил этиш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги талабалар ўртасида ҳар йили камида бир маротаба танлов ўтказади. Танлов учун 500 та (Тошкент шаҳри учун – 45 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун – 35 тадан) ўрин ажратилади. Амалиёт 1 ойдан 3 очгача муддатда амалга оширилади.

Танловда қатнашиш учун талаба битирувчи босқичда таҳсил олаётган, таълим йўналиши (мутахассислиги) тармоқ корхонасидаги фаолият йўналишига мос, Ўзбекистон резиденти бўлиши лозим. Олий таълим ташкилоти ариза берган талабалар тўғрисидаги маълумотларни йўлланма хати билан Махсус комиссияга 5 иш кунида тақдим этади.

Махсус комиссия талаба амалиётини ташкил этиш иш режаси ҳимоясини (тақдимот кўринишида) ўтказиб, 20 кун ичида якуний қарор қабул қилади. Қарор қабул қилингандан 10 иш куни давомида танлов натижалари бўйича маълумот Вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Айтиш керакки, талабанинг амалиёт ўташи учун синов муддати белгиланмайди. Ғолиб талабаларнинг амалиёти бўйича харажатлар Махсус комиссия якуний қарор қабул қилгандан сўнг 15 кун давомида қопланади. Талабага БҲМнинг 2 баравари миқдорида иш ҳақи ва унга ҳисобланган ижтимоий солиқ тегишли ҳисобрақамига ўтказилади.

Низом ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.



Сирожиддин Саййид ҳамда Баҳодир Карим Туркманистоннинг “Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги” ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ билан тақдирланди.

ДХХ: Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистондан келтирилган жами 47,2 кг. наркотик моддалар МУСОДАРА ҚИЛИНДИ.



ТОШКЕНТ АНЖУМАНИда тадбиркорлик таълимини ривожлантириш стратегияси белгилаб олинади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Солиқларни ихтиёрий тўлаш кўрсаткичлари ортмоқда



Туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига 2026 йилнинг 1 январига қадар кўплаб солиқ имтиёзлари берилди.

Менга бириктирилган “Паҳлавон” ва “Тоғаймурод” маҳаллалари туман марказидан 16 километр олисда жойлашган. Бу ерда аҳолини йиллар давомида сув муаммоси қийнаб келмоқда.

Баҳриддин ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олтинсой туманидаги “Қумпайкал”, “Паҳлавон” ва “Тоғаймурод” маҳаллалари солиқ инспектори.

Бироқ мамлакатимизда яратилган янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини беряпти. Айниқса, ҳозирда маҳаллаларга бириктирилган биз каби солиқ инспекторлари нафақат солиқ тушумларини ошириш билан, балки ана шу ниятдаги фуқаролар ва тадбиркорлар муаммоларини аниқлаб, уларни ечиш билан шуғулланяпти. Бунинг натижасида ҳар икки маҳалламизда узумчилик ва боғдорчилик ривожланмоқда.

Қувонарлиси, Президентнинг тегишли фармони билан Олтинсой тумани ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб, 5-тоифага киритилган. Туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига **2026 йилнинг 1 январига қадар кўплаб солиқ имтиёзлари берилди.** Жумладан, тадбиркорлар фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз тўлашади. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва улардан олинадиган ер солиғи мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридаги солиқ ставкалар қўлланилмоқда. Шунингдек, **якка тартибдаги тадбиркорлар 2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинган.**

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорларга берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, самарали фаолият юритишлари ва солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажаришларини тушунтиряпман. Фаолиятлари билан боғлиқ муаммоларига биргаликда ечим излаяпмиз. Бунга жавобан тадбиркорлар солиқларни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қиляпти. Натижада белгиланган кўрсаткич режани ўз вақтида бажаряпман.

“Маҳаллабай” ишлаш натижасида 20 нафар ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркор янгидан рўйхатдан ўтказилди. 15 та корхонада норасмий ишлаётган 19 нафар фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, 20,8 млн. сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 4 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди. Шунингдек, қўшимча 15 та объект аниқланди. Шу тариқа товар айланмаси 87,5 млн. сўмга оширилди. Бундан ташқари, 7 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, 435 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатда рўйхатга олинди.

Бугунги кунда менга бириктирилган 3 та маҳаллада 115 дан зиёд тадбиркор, 58 та деҳқон ва 27 та фермер хўжалиги, 1 395 нафар ер ва 1 371 нафар мол-мулк солиғи тўловчиси бор. Фуқароларга мол-мулк ва ер солиғини белгиланган муддатларда тўлаш, кадастр ҳужжатларига киритилмаган ер майдонларини қонунийлаштириш зарурлигини тушунтириб, амалий кўмак беряпмиз. Натижада жисмоний шахслар январь-сентябрь ойларида режадаги мол-мулк ва ер солиғининг 713,7 млн. сўмидан 624 млн. сўмини тўлашди.

Солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши ва “маҳаллабай” ишлаш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида солиқ тўловчилар сони ҳамда солиқларни ихтиёрий тўлаш кўрсаткичлари мунтазам ўсиб бормоқда. Натижада энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларим яхшиланмоқда. Ўтган сентябрь ойида баҳолаш тизимига кўра, вилоятда энг юқори кўрсаткични эгаллаб, 200 фоизлик рағбатлантирувчи устамага эга бўлдим.



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

15 440 нафар норасмий ишловчи фуқаро фаолияти қонунийлаштирилди

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, солиқ инспекторлари маҳалладаги ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари билан учрашиб, уларнинг муаммосини ўрганяпти, солиқ соҳасидаги ўзгаришларни тушунтириш орқали яширин иқтисодиётнинг олди олинмоқда. Биргина тадбиркорлик субъектлари билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ўтган тўққиз ой давомида вилоят миқёсида 2 939 та корхонадаги 15 440 нафар норасмий ишловчи фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.



Бугунги кунда Хоразм вилоятидаги 531 та маҳаллага 241 нафар солиқ хизмати ходими бириктирилган.

Ромон ОТАЖОНОВ, Хоразм вилоят солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар шўъбаси бошлиғи.

Турли сабаблар билан фаолияти вақтинча тўхтаб қолган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини тиклаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 4 103 та ана шундай корхонанинг фаолияти тикланди, 4 736 та қўшимча объект аниқланди. Бунинг натижасида 7,2 млрд. сўм қўшимча солиқ ундирилди.

Хатлов натижаларига кўра, 7 968 та ноқонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркор аниқланиб, уларнинг барчаси янгидан рўйхатдан ўтказилди. 18 638 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди.

Бугунги кунда қўлида ҳунари бор ёки уйда якка тартибда маълум фаолият тури билан шуғулланиб келаётган фуқароларимиз талайгина. Уларнинг ўзини ўзи банд қилиши, иш стажига эга бўлиши учун солиқ хизмати органлари доимий кўмак кўрсатиб келмоқда. Жумладан, “маҳалла еттилиги” билан биргаликда яширин иқтисодиётни жиловлаш мақсадида вилоятда 105 357 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш тизими орқали рўйхатдан ўтказилди ва муайян фаолият турлари билан мунтазам шуғулланишига шароит яратилди.

“Маҳаллабай” ишлаш тизимининг яратилиши натижасида 21 млрд. 900 млн. сўм миқдорида қўшимча манба аниқланди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 154 млрд. 800 млн. сўм миқдоридаги жисмоний шахсларнинг тураржой объектлари бўйича солиқлар ундирилиши таъминланди. Натижада йиғилган сумманинг 10 фоизи, яъни 15 млрд. 500 млн. сўм миқдоридаги маблағлар “маҳалла бюджети”да қолдирилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллалардаги солиқ инспекторлари тадбиркорларнинг муаммоларини қонуний ҳал этиш, фаолиятлари давомида юзага келган барча тушунмовчиликларга ечим топишда амалий кўмак бериб келмоқда. Уларнинг энг муҳим вазифаси, коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик, яширин иқтисодиётни жиловлаш, ҳалол тадбиркорлар сонини оширишдир. Шунда солиқ тушумларининг ўсиши таъминланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ФАРИДА БЕКЖОНОВА. Хоразм вилояти.

– Иккинчи гуруҳ ногиронман. Эгалигимда 97 квадрат метр уй-жойим бор. Айтингчи, ушбу уйим учун тўлайдиган мол-мулк солиғи бўйича имтиёздан фойдалана оламанми?

УЙ-ЖОЙ УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БОРМИ?



Муҳиддин РЎЗМЕТОВ, Хоразм вилояти солиқ бошқармаси давлат солиқ катта инспектори:

– Ҳа, қисман фойдалана оласиз. 10 нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналардан биринг, пенсионерларнинг ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк 60 кв.м доирасида солиқ солишдан озод қилинган. Демак, сиз 60 кв.м. имтиёздан фойдалана оласиз. Қолган 37 кв.м. учун солиқ тўлайсиз.

Солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар солиқ имтиёзини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади.

ФАКТ

Ноқонуний ишлаш қимматга тушди

Солиқ органлари ходимлари ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахс ва у билан ишлаган корхоналарда 47 миллиард сўмдан ортиқ солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлади.

Умид НАСРИДДИНОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Гап шундаки, камерал солиқ текшируви натижасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахс мақомидаги фуқаро А.Н. банкда ҳисобрақам очмасдан фаолият юритгани, банк операцияларини амалга оширмагани ҳамда солиқ ҳисоботларини тақдим этмагани маълум бўлди. Фуқаро товарларни тўртта юридик шахсга реализация қилган. Бироқ **120 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги товарларнинг кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган.**

Кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни реализация қилгани ҳамда товарларни реализация қилиш бўйича айланмаларини солиқ ҳисоботларида акс эттирилмагани сабабли 31,2 млрд. сўмлик солиқларни тўлашдан қочган. Ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсдан товар сотиб олган юридик шахсларга нисбатан ҳам камерал солиқ текширувлари ўтказилиб, **16 млрд. сўмлик солиқ тўланмаганлиги аниқланди.**



Текширув материаллари ҳуқуқий баҳо бериш ва тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Солиқ органлари фаолиятини рақамлаштириш ва автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимларини жорий этиш нафақат очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, балки нопок тадбиркорлар томонидан ишлатиладиган солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш ва тезкор чора кўриш учун асос яратмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар жиддий ҳуқуқий ва молиявий оқибатларга олиб келмаслиги учун ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритишлари лозим.



Машҳур “TOP GEAR FRANCE” шоусининг махсус сони Ўзбекистонга бағишланади.



Барқарорлик рейтингидаги тадбиркорларнинг 724 тасига 1,1 трлн. сўмлик ҚҚС суммаси ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ.



Сентябрь ойида аҳолига сезилган ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ аввалги ойга нисбатан бироз пасайиб, 13,4 фоизни қайд этди.

ҲУҚУҚ

ЭСКРОУ ШАРТНОМАСИ БЎЛСА, ПУЛ ТЎЛАБ, УЙСИЗ ҚОЛМАЙСИЗ



Давлат раҳбари раислигида қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида уй-жойлар қурилишида алдов, тушунмовчиликларга барҳам бериш учун уй-жой сотиб олиш бўйича кафолатли “эскроу” тизими жорий қилинишини қайд этилган эди.

**Гулруҳ МАМАРАИМОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтоҳур туманлараро
суди судьяси.**

Хўш, эскроу нима ўзи? Бу тизим уй-жой қурувчилари билан қурилиши тугалланмаган уйларни сотиб олувчилар ўртасида учрайдиган қандай муаммолар ва низоларга ечим бўла олади? Бу тизим миллий қонунчилигимизга қачон ва қандай тартибда жорий этилади?

Эскроу – инглизча “escrow” сўзидан олинган бўлиб, “пул ёки мол-мулкни сақлаш”, деган маънони англатади. У моҳиятига кўра, ишнинг буюртмачиси, хизматнинг буюртмачиси ёки товар олувчиси томонидан тўланган пуллар, иккинчи томондан, ўз мажбурияти лозим даражада бажарилмагунга қадар тўланган маблағлар музлатилган ҳолда учинчи шахс томонидан сақланишини назарда тутувчи ҳуқуқий тизим ҳисобланади.

Бу жараёнда ишни бажарувчи, хизмат ижрочиси товарни топширувчида ишни бажарган, хизматни кўрсатганидан ёхуд товарни топширганидан сўнг унинг ҳақини ололмаслик хавфи камаяди. Ўз навбатида, иккинчи томон ҳам пулини тўлаганидан сўнг иш, хизмат ва ашёдан қуруқ қолиш хавфидан узоқ бўлади.

Англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқлари оиласида “Escrow” (инглизча) ва “Treuhand” (немисча) тизимлари кенг тарқалган. **Германияда эскроу ҳисоб¬рақам очиш ва уни юритиш бўйича хизматларни нафақат банклар, балки нотариуслар, солиқ агентлари, аудиторлар ҳамда адвокатлар ҳам амалга ошириши мумкин.**

Мисол учун айтадиган бўлсак, нотариус томонидан очилган эскроу ҳисобварағига мувофиқ (Notar-Anderkonto) нотариус олди-сотди шартномасининг бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда шартнома шартлари бажарилгандан сўнг пулни сотувчига беради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳали қонунга эскроу ҳисобварағи шартномасига оид нормаларни киритмасдан туриб, бундай шартномани туза оламизми? Албатта. Чунки Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан, тарафлар қонунчиликда назарда тутилмаган шартномани ҳам тузиши мумкин. Бинобарин, фуқаролик қонунчилигида қонун билан тақиқланмаган муносабатга киришишга, жумладан, шартномалар тузишга ҳеч қандай чеклов йўқ.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 860-7-моддаси эскроу ҳисобрақам шартномаси ҳақида бўлиб, эскроу ҳисобварақ шартномаси бўйича банк (эскроу агент), агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ҳисобварақ эгасидан (депозит қўювчидан) олинган маблағларни бошқа шахс (бенефициар) га ўтказиш мақсадида ҳисобга олиш ва хатлаш учун махсус эскроу ҳисобварағини очади. Эскроу ҳисобварағида сақланаётган пул маблағларига нисбатан ҳуқуқлар бенефициарда ҳисобварақдаги пулларни олиш ҳуқуқи пайдо бўлгунга қадар депозит қўювчига тегишли бўлади, ундан сўнг бенефициар ихтиёрига тушади.

Фуқаролик шартномаларини тузиш ва ижро этишда **эскроу тизимидан фаол фойдаланиш юртдошларимизнинг мулкий ҳуқуқларининг бузилиши, пул тўлаб, кейинчалик мулксиз қолиб кетиши ва бошқа содир бўлиши мумкин бўлган салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш имконини беради.** Қолаверса, бу судлар кўраётган низолар сонининг камайишига ҳам хизмат қилади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Аҳолининг тинч-тотув яшаши учун кечаю кундуз хизматдаман”

Саришингул овул фуқаролар йиғини туман марказидан 15 километр олисда бўлиб, Туркманистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган. Бешта аҳоли пунктидан иборат овулда етти мингга яқин аҳоли яшайди. Овул катта – у бошидан, бу бошигача 20 километр.

**Амур ТЛЕУМУРАТОВ,
Хўжайли туманидаги
Саришингул овул фуқаролар йиғини
профилактика инспектори.**



Ҳар куни ўнта хонадонга кириб, уларнинг турмуш тарзини ўрганиб, зарур ҳолатларда қўнғироқ қилишлари учун телефон рақамимни бераман.

Йиғинда Президент ташаббуси билан икки қаватли учта тураржой биносидан иборат ижтимоий шаҳарча ташкил этилган. Унда кам таъминланган, ёлғиз болали аёллар, уйсиз 134 та оила истиқомат қилади. Бу ерда улар учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Овул аҳолисининг асосий даромади деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликдан иборат. Бир қисми савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда мебель ишлаб чиқариш цехларида банд. Ҳудуд кенг яйловлардан иборат бўлгани учун чорва моллари боқишга анча қулай. Шу билан бирга, қаровсиз қолдирилган чорва молларини ўғрилаш ҳолатлари кузатилган. Шу боис дастлабки фаолиятимда йиғин “қизил” тоифада эди.

Бунинг олдини олиш учун ишимни ўғриликни аниқлаш ва унинг олдини олишдан бошладим. Жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини хонадонма-хонадон, кўчама-кўча ўрганиб, аҳоли билан яқин ҳамкорлик ўрнатдим. Ўғриликнинг туб илдизи аҳоли чорва молларини далада қаровсиз қолдириши бўлди. Шу боис фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориб, молларини назоратсиз қолдирмаслигини тушунтирдик. Тунги кузатув тадбирлари ташкил этиб, жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойларга видеокузатув қурилмалари ўрнатдик.



Шунингдек, кенг жамоатчилик иштирокида тарғибот ишларини олиб бориб, нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқаролар билан манзилли ишладик. Бешта оила бекасига ҳимоя ордери берилгач, эр-хотин тинч-тотув яшай бошлади. Шу тариқа “қизил” тоифадан “яшил”га ўтдик.

Ўзим нукусликман. Бу ерда оилам билан хизмат уйимда яшаб, саришингулликларнинг тинч-тотув яшаши учун кечаю кундуз хизматдаман. Ҳар куни ўнта хонадонга кириб, уларнинг турмуш тарзини ўрганиб, зарур ҳолатларда қўнғироқ қилишлари учун телефон рақамимни беряпман. Тунги осойишталикни таъминлаш учун шахсий автомобилимда ҳудудни мунтазам назорат қиляпман.

Ҳар пайшанба – профилактика кунида бешта аҳоли пунктига навбатма-навбат бориб, фуқаролар билан учрашиб, мавжуд хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб боряпман. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, уларга имкон берувчи шарт-шароитлар “маҳалла еттилиги” ва сектор раҳбари билан биргаликда бартараф этилмоқда.

Овул ёшлари учун мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, зарур шароитлар яратилмоқда. Ҳозир уларнинг 3 та умумтаълим мактабидаги фан тўгараклари билан бирга, кураш, волейбол, футбол билан шуғулланишлари учун ёпиқ ва очиқ спорт иншоотлари мавжуд. Фақат боғча ўрни етарли эмас. Етти минг аҳоли фарзандларига битта хусусий боғча бор, холос.

Келгусида тарғибот ишларини янада кучайтириб, ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашамиз. Қувонарлиси, бугун ҳар бир профилактика инспектори аҳоли назарида жазоловчи давлат хизматчиси эмас, балки келгусида содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларни олдиндан кўра оладиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишдан қайтарадиган етакчи сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада менга “маҳалла еттилиги” аъзолари ҳамда йўл-патруль хизмати ва Миллий гвардия ходимлари елкадош бўлмоқда.

СУД ҲУКМИ

Олган ҳам, берган ҳам айбдор

Сочларига оқ оралаган, ёши эллиқдан ошиб, олтмишга қараб кетаётган бу инсонга ҳаётининг қолган қисмини яхшилик ва хайрли ишларга бағишлаб, чиройли яшашни ният қилиш ярашади. Лекин ақл ёшдамас, бошда деганлари ҳақиқат экан.



**Шаҳзодбек ДАВИРБОЕВ,
Чилонзор тумани ИИО ФМБ
ҳузуридаги Тергов бўлими
терговчиси.**

Абдулло 2023 йилнинг 3 март куни илгаридан таниш бўлган Алижон билан телефон орқали боғланиб, фалон ошхонада учрашишга таклиф этади. Учрашганда банкдан жуда катта миқдорда кредит олаётганини, гаровга қўйиш учун пул кераклигини айтади. Агар Алижон бир ой муддатга 10 000 АҚШ долларини қарзга бериб турса, банкдан пул олгани ҳамон кредити ҳисобидан 2 миллиардини унга молиявий ёрдам сифатида беришини айтиб ишонтиради.

Берган пули ёнига яна шунча миқдордаги пул ўз-ўзидан, осонгина оқиб келишини кўз олдига келтирган Алижон бу таклифга “йўқ”, дея олмайди. Уч кун ўтиб, улар яна қаҳвахонада учрашишади ва қаҳвахонанинг алоҳида бўлмасига ўтиб, пул олди-бердисини амалга оширадилар. Абдулло ўз паспортининг нусхасига 10 000 АҚШ долларини олганлиги ҳақида тилхат ёзиб беради. Ҳар иккиси қайта-қайта қўл сиқишиб, мамнун ҳолда хайрлашишади.

Афсуски, бу хурсандчилик, айниқса, Алижон учун асаббузарлик, надомат ва қон босимининг кўтарилиши билан қимматга тушди. Ваҳоланки, қарздор бир неча ойлар ўтса ҳамки, ваъда берган пулларни бермай, устига-устак сурбетларча “бир тийиним ҳам йўқ, нима қилсанг қил”, дегани ортиқча бўлди. Алижон Чилонзор тумани ички ишлар органларига мурожаат қилишдан бошқа чора топмади.

Абдулло илгари ҳам фирибгарлик жинояти учун судланган эди. Афсуски, бу унга сабоқ бўлмади. Танишини шунча пулга туширадию “бу қилмишим жавобсиз қолади”, деб ўйлаганини тушиниш қийин, албатта. Аслида, судхўрлик катта гуноҳ саналади. Алижон эса катта пулнинг овозини эшитганда ҳар қандай гуноҳ ҳақида унутгани афсусланарли ҳол. Ушбу жиноят содир этилишига ўзи ҳам ҳисса қўшган, десак муболаға бўлмайди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди 1967 йилда туғилган, уч нафар фарзанднинг отаси, муқаддам судланган Абдуллонинг қилмишини кўриб чиқиб, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди (“Фирибгарлик”) билан айбдор деб топди. Унинг пушаймонлиги, оиланинг ягона боқувчиси эканлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини инобатга олиб, суд уни иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йилу 6 ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...



**Моҳира БАДАЛБОЕВА.
Бухоро вилояти.**

– Қўшним йўлнинг устида товуқхона қуриб олган. Товуқхонадаги бадбўй ҳид ва шовқин мени ўз уйимда тинч яшашимга халақит беряпти. Маҳаллага бир неча маротаба мурожаат қилдим, фойдаси бўлмади. Яна кимга, қай тартибда мурожаат қилсам бўлади?

“КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛСАМ БЎЛАДИ?”

**Ҳабиб САИДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Бухоро туманлараро суди судьяси:**

– Санитария-эпидемиология қоидалари бузилиши ҳолатларининг мавжудлиги, шунингдек, мурожаатчининг қўшниси билан ер участкаси ўртасида низо бўлганлиги сабабли, ушбу низони фуқаролик ишлари бўйича судлар кўриб чиқиш ваколатига эга.

Айнан мурожаатчи айтган масала бўйича, яъни ноқонуний қурилган қурилмани бартараф қилиш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилса бўлади. Бу ҳолатда мурожаатчидан нима талаб қилинади? Аввало, ушбу ноқонуний қурилма қурилган ер майдони айнан мурожаатчига ажратиб берилган бўлиши керак. Агар ушбу ер участкаси мурожаатчига ажратиб берилмаган бўлса, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига мурожаат қилиши мумкин.



«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ТУРИЗМ ОЙЛИГИ доирасида кексаларга 20 фоизли чегирма тақдим этади.



Ҳозирги кунда мамлакатимизда 13 203 та ДОРИХОНА фаолият юритяпти, уларнинг 8 248 таси асосий, 4 955 таси филиал ҳисобланади.



Жаҳон банки Тошкент шаҳридаги ҲАВО СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ учун тавсиялар берди.

ЯНГИЛИК

ҚЎШИМЧА КВОТА ВА ГРАНТ АСОСИДА ЎҚИШ ИМКОНИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 октябрдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 640-сон қарори қабул қилинди.

Унга кўра, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларнинг кириш синовларидан муваффақиятли ўтган фарзандлари, Меҳрибонлик уйи, болалар шаҳарчаси ва Оилавий болалар уйининг битирувчилари, I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ногиронлиги бўлган болалар тоифасидаги абитуриентлар қўшимча қабул параметрлари асосида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

“Оилаларга умид олиб киряпмиз”

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгани ҳақида биринчи марта эшитганимда, бу иш нақадар савобли амал эканини тушундим. Шу кундан бошлаб бу жараёнда менинг ҳам иштироким бўлиши керак, деган хулосага келдим. Маҳаллалардаги ижтимоий ходим лавозимига ҳужжат топширдим. Ҳозир яшаш ҳудудимдан олисда бўлса ҳам, узоқ масофа босиб меҳнат қиляпман. Бугун давлатимиз олиб бораётган сиёсий жараёнларда муносиб ҳиссам бўлиши керак, деган қатъий талабни ўз олдимга қўйганман.



Баҳора ХОЛДОРОВА,
Пайариқ туманидаги
“Янги ҳаёт” ва “Олмазор”
маҳаллалари ижтимоий ходими.

Фаолиятимни ҳудудимиздаги якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олишдан бошладим. Уйига борсангиз, яна бироз ўтиринг, деб қўйиб юборгиси келмайди. Кўнглидаги ҳеч кимга айтмаган дардларини биз билан бўлишади. 5 нафар шу тоифа фуқароларимиз билан кунда-кунора қўнғироқлашиб турамиз. Она қизини соғингани каби боришимизни интиқлик билан кутишади.

Эътибор берган бўлсангиз, соғлом кишилар ногиронлиги бўлганлардан бироз ўзини тортиб туришади. Аслида, уларнинг ташқи кўринишида нуқсони бўлгани билан ички дунёси бизникидан фарқ қилмайди. Хурсанд бўлиши учун бир оғиз ширин сўз кифоя.

Темурбек 9 ёшда, ногиронлиги сабаб ётиб қолган. Шу кунга қадар онаси кўтариб катта қилиб келяпти. Лекин бола анча улғайиб қолгани боис аёл уни айлантиришга, бирор жойга олиб боришга қийналаётган эди. Ўзим ҳам она бўлганим учун кечинмаларини жуда яхши ҳис қилдим. Мушкулини енгиллатиш ниятида Темурбекка аравача олиб бердик. Қизининг муаммоси ҳал бўлганини кўрган кекса онахон мени бағрига босиб, узоқ йиғлади. Раҳмат айтиб дуо қилди. Шундай вақтларда ич-ичимдан қайсидир инсоний бурчимни бажаргандек ҳис қиламан.

“Янги ҳаёт” маҳалласида яшайдиган Раҳима аянинг турмушдан ажрашиб келган қизи хасталик сабаб вафот этади. Унинг 2 нафар фарзанди эса кекса онахоннинг қўлида қолади. Қизини жойи чиқиб узатди. Лекин 10-синфда ўқийдиган набирасига ҳали расман васий тайинланмаган эди. Аёл ортиқча югур-югур ва харажатларни ҳисобга олиб, аввалига бунга рози бўлмади. Лекин ҳар жиҳатдан ёрдам қилишимни айтиб,



тез фурсатда масалага ечим топдик. Бир ой ичида болага боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланди. Айни вақтда оилага ҳар ойда 2 500 000 сўм миқдорида маблағ кириб келмоқда. Шароити анча яхшиланган.

Ҳар бир соҳада қийинчилик, тўсиқлар бўлиши аниқ. Энг муҳими, уларни собит ишоч билан енгиб ўтиш керак. Кам таъминланган, ногиронлиги бўлган оилаларга кирганда, кимдир қучоқ очиб кутиб олса, бошқалар жуда совуқ муносабатда бўлади. Баъзилар имконияти чекланган фарзандини кўрсатишни истамайди. Лекин барчанинг кўнглига бирдек йўл топишга ҳаракат қиляпмиз. Биз орқали оилаларга умид кирмоқда. Келажаги учун мақсадлар қўйишни бошлаяпти.

Муниса Шукруллоева 1995 йилда туғилган. 2018 йил онаси вафот этгач, инсульт олиб, ётиб қолади. Айни вақтда акасининг хотини парваришлаяпти. “Инсон” маркази кўмаги билан касалхонада даволаниб чиқди. Бундан ташқари, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини янгилаш борасида амалий ёрдам кўрсатилди. Шундан сўнг ногиронлик нафақасига ҳужжат топширдик. Бу каби оилаларга оз бўлсада фойдам тегаётганидан хурсандман.

Ҳали қилишим керак бўлган ишларим кўп. Уйда таълим олаётган болаларни параспортга жалб қилмоқчиман. Ҳеч бўлмаганда кунора хонадонига бориб, енгил бадантарбия машқларини бажаштириш билан жисмоний фаоллигини оширсам дейман.

Якка-ёлғиз кексалар учун бир ойда икки марта маданий тадбирлар уюштириб, вақтини мазмунли ўтказишга эришмоқчиман. Улар бир-бири билан учрашиб, суҳбат қилиб қалб чигилларини ёзишармиди бироз.

Кам таъминланган оилалар айрим ҳужжатларни онлайн топшириш бўйича тажрибага эга эмас. Шу тоифа кишилар билан кўпроқ ишлаб, билим ва кўникмаларини оширсак, бизнинг ишимиз ҳам анча енгиллашган бўларди.

Маҳалламизда, тикувчилик ва қандолатчилик курсларини ташкил этишни ўйлаб юрибман. Касб-ҳунар эгаси бўлган хотин-қизлар ҳеч бўлмаганда, оила аъзолари учун нимадир тикиб беради, бирор ширинлик пиширади. Фойдали меҳнат билан банд бўлади.

Соҳамни жуда яхши кўраман. Одамларга меҳр улашиш, ёрдам қўлларини узатиш тақдиримга битилганидан шодман. Кундан-кунга янада кўпроқ натижаларга эришиш учун интиляпман. Биттагина инсоннинг кўзида кулгу куртаклари очилиши учун қанча керак бўлса, шунча ҳаракат қиламан.



ОБУНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ (*бундан кейин — “Таҳририят”* деб юритилади), қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс *(бундан кейин – “Обуначи”)* билан мазкур **оммавий оферта** шартларига мувофиқ 2025 йилга обуна шартномасини *(бундан кейин — “Шартнома”)* тузишга тайёр эканлигини билдиради. **“Таҳририят”** ва **“Обуначи”** кейинги ўринларда **“Тарафлар”** деб номланади.

2. “Обуначи” мазкур **“Шартнома”** шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептни *(бундан кейин — “Акцепт”)* жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида **“Таҳририят”**ни хабардор қилади. **“Акцепт”**нинг барча устунлари тўлиқ, қисқартиришларсиз, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. “Акцепт” (97) 780-62-70 телеграм рақами орқали жўнатилиши ёки **“Таҳририят”** жойлашган **Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй** манзилига юборилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. “Таҳририят” 2025 йил учун **“Акцепт”**да кўрсатилган нашрларга обуна қилиш мажбуриятини, **“Обуначи”** эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур **“Шартнома”**ни акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган харакатлари (товарлар жўнатиш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), акцепт ҳисобланади.

5. “Обуначи” обуна маблағларини **“Таҳририят”** ҳисоб-рақамига ***(“Акцепт”**га биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини)* пул ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдиндан тўлаш.

6. “Таҳририят” ҳисоб-рақамига мазкур **“Шартнома”**нинг 5- ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган пул маблағлари келиб тушганидан кейин, мазкур **“Шартнома”** бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

7. “Таҳририят” нашрларни манзили бўйича **Маҳаллалар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларига** ёки **“Обуначи”** манзилига юк-ҳужжати(накладная) асосида етказиб беришни ташкил қилади. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, **“Обуначи”** бу ҳақда **“Таҳририят”**ни хабардор қилиши шарт.

8. “Обуначи” “Акцепт”да ўз манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, нашрларни етказиб бериш юзасидан **“Шартнома”** шартлари бажарилмаганлиги учун **“Таҳририят” “Обуначи”** олдида жавобгар бўлмайди.

9. “Тарафлар” “Шартнома” шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу **“Шартнома”** тузилганидан кейин, **“Тарафлар”** олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда тусдаги воқеалар натижасида енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

10. Мазкур **“Шартнома”**ни бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни **“Тарафлар”** музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.

11. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати — **2025 йил 31 декабргача.**

12. ТАҲРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:
«Mahalla davriy nashrlari» МЧЖ
Манзил: Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй
Ҳ/р: **2020 8000 8070 4192 5001,** АКБ «Туронбанк» Бош офиси. МФО: **00446**,
ИНН: ***311 238 599,*** ИФУТ: ***18 120,***
Тел(факс): **(71) 233-10-92, (71) 233-39-89, (97) 146 02 07**

«Mahalla davriy nashrlari» МЧЖ
Бош директори
Б. АБДУСАТТОРОВ _____

ИЛОВА

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

202_ йил «___» _____

1. _____
(Обуначининг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномасига мувофиқ тавсияий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи)

_____ асосида амал қилувчи
ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низом ва б., ишончнома)

_____ тимсолида,
(Обуначи ваколатли вакилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ), унинг лавозими)

«Mahalla» газетасининг **2024 йил 12 октябрдаги 63 (2201)-сонида** эълон қилинган обунани ташкил этиш бўйича оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2025 йил учун қуйидаги нашрларга обуна бўлади:

№	Нашр номи	Формати, саҳифаси	Даврийлиги	Бир йиллик обуна баҳоси *(ҚҚС билан)*	Сони	Суммаси
1.	“Mahalla” газетаси	*А2; 8 саҳифада*	*Ҳафтада 2 марта*	*1 000 000*		
2.	“Mahalla ko`zgusi” журнали	*А4, 64 саҳифада*	*Ойда бир марта*	*500 000*		

2.Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан _____
_____ сўмни ташкил қилади.
(рақамлар ва ёзув билан кўрсатилсин)

3.Етказиб бериш учун манзил *(босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади)*:

Почта индекси

Минтақа / Вилоят: _____, шаҳар/туман: _____,
_____
(шаҳарча, маҳалла, қишлоқ, кўча, даха, массив, уй, кв, хона)

Мўлжал: _____
4. Боғланиш учун телефон: _____
5. Алоқа боғловчи шахс: _____
(Ф.И.Ш.)

Обуначи реквизитлари:
СТИР _____
ИФУТ _____
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____
Почта манзили _____
Телефон _____
Х/р _____
Хизмат кўрсатувчи банк _____
Банк коди _____

_____
(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.Ў.

ЭСЛАТМА: Банк тўлов кассалари, пайнет тўлов шоҳобчалари, мобил иловалар ва шунга ўхшаш тўлов тизимлари орқали тўловни амалга оширганингизда тўлов мақсадига **ТУМАН, ШАҲАР номи ва МФЙ номи** тўлиқ ёзилиши талаб этилади.

Масалан: “Нукус шаҳри, Гузар МФЙнинг “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko`zgusi” журналига 2024 йил обунаси учун маблағ ўтказилди”.

2



Шахмат: НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ жамоаси муддатидан аввал Лондон турнири ғолибига айланди.



ФУТБОЛ БЎЙИЧА жаҳон чемпионати саралаши доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эрон билан дуранг қайд этди.



Самарқанд эшкак эшиш каналида академик эшкак эшиш бўйича ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ бошланди.

НУҚТАИ НАЗАР

Ота-оналар учун махсус ўқув курслари ташкил этилса...

Узоқ йиллар хорижда ишлаган маҳалладошимиз Жонфуза Олимова ёнимга қандай иш топиб бера оласиз, деб сўраб келди. Шаҳди анча баланд, нияти жиддийлиги сезилиб турарди. Қўлида ҳунари йўқлигидан бирор иш тавсия қилолмадим. Айрим хасталиклари сабаб жисмоний меҳнат билан шуғулланолмасди. Шунда уни тикувчиликка ўқишга йўналтирдим.

Гулшаҳноз ОРИПОВА,
Касби туманидаги “Юксалиш” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Орадан вақт ўтиб, у билан учрашиб қолдик. Газлама олиб келинг, кўйлак тикиб бераман, деганида жуда ҳайратландим. Бироз шубҳалаётганимни сезиб, ранжигандек бўлди. Шунда унга имкон беришга қарор қилдим. Ишонасизми, кўйлак 3 соатда тайёр бўлди. Чоклари текис, бичими замонавий, ўзига хос услуби сезилиб турарди.

Қаранг, анча вақт ўзга юртда қийналиб юрган аёл қисқа фурсатда гулдек ҳунарга эга бўлди. Уйида ўтирган ҳолда яхшигина даромад топиш имкони туғилди. Фақат бунинг учун тикув машинасига эҳтиёжи бор эди. Ҳоким ёрдамчиси билан маслаҳатлашиб, бу масала бўйича ариза киритдик. Тез фурсатда яна бир аёлнинг тўла-тўкис фаолиятини ташкил этиши учун шароит яратиб берамиз. Унгача Жонфуза қандолатчиликни ҳам ўрганишни ният қилган. Шундан кейин бир жой олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишни режалаштиряпти. Хоҳловчиларга эгаллаган билимларини ўргатиб, шогирдлар тайёрламоқчи. Айни вақтда 5-6 нафар аёл билан биргаликда маҳалламизда янги очилган тўйхона ўриндиқлари учун ғилофлар тикишни бошлади.

Маҳалламизда 2 283 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Шундан 898 нафарини меҳнатга лаёқатли бўлган фуқаролар ташкил этади. Уларнинг муносиб иш ўрнига эга бўлиши, ёқтирган соҳаси бўйича бандлигини таъминлаш учун тинмай ҳаракат қиляпмиз. Шу мақсадда жорий йилда 10 нафар опа-синглимизни қўшни ҳудуддаги тикувчилик корхонасига ишга жойлаштирдик.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳудуд бўлганимиз учун ҳозирги кунда кўпчилик фуқаролар илғорлар сафида пахта теримига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Қолаверса, маҳалламизда компьютер саводхонлиги ва тикувчилик бўйича ўқув курслари очилган. Ҳар 3 ойда 10-15 нафар хотин-қиз янги ҳунар эгаси бўлиб чиқяпти. Уларни жамиятга фойдаси тегадиган мутахассис қилиб етиштиряпмиз. Ҳатто, умуман қўлига игна ушламаган, рўзғор юмушларидан қочиб, ўзини чалғитмоқчи бўлган аёллар ҳам қисқа муддат ичида ҳаммасини эплаб, қизиқиши ортиб боряпти. Яқинда битирувчиларнинг имтиҳон жараёнларида кузатувчи сифатида қатнашдим. Уларнинг назарий ва амалий маҳоратини кўриб, жуда ҳавасим келди.

Шу ўринда, тикувчиликдан дарс бераётган Мафтуна Бобожонованинг маҳоратига тўхталмай иложимиз йўқ. У икки йилдан буён юзлаб хотин-қизга ҳунар ўргатиб, элда ардоқ топиб келмоқда. Бундан ташқари, хусусий боғча ташкил этган бўлиб, 50-60 нафар тарбияланувчига замонавий фанлардан дарс бериб келмоқда. 12 нафар маҳалладошимизнинг бандлигини таъминлаган.



Аёл оилада, жамиятда ўз ўрнини топиши учун биринчи навбатда билим эгаллаши керак. Шунинг учун доим мактаб ўқувчилари билан учрашганда, илм олишга ундайман.

Аёл оилада, жамиятда ўз ўрнини топиши учун, биринчи навбатда, билим эгаллаши керак. Шунинг учун доим мактаб ўқувчилари билан учрашганда, илм олишга ундайман. Жорий йилда битирувчи қизларнинг 85 фоизи олий таълим муассасаси талабаси бўлишди. Улар талаб юқори бўлган — филология, рус тили, инглиз тили, кимё ва психология каби йўналишларда таҳсил олмоқда. Келажакда етук кадр сифатида маҳалламиз ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Фаолиятимда асосий эътиборни оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратаман. Айниқса, нотинч оила ҳақида эшитиб қолсам, дарров етиб бориб, вазиятни юмшатаман. Ҳатто, маҳалла раиси ва профилактика инспектори хабар топмасидан 10 дан ортиқ оилани муросага келтиришга эришдим. Шу билан бирга, ҳужжатлар асосида 6 та оилани яраштирдик. Хонадонларга кирганда, тажрибамга таяниб, кўплаб мисоллар келтираман. Аждодларимизнинг оилага, турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлгани ҳақида гапириб бераман. Ҳар ҳолда фуқаролар улар учун жон куйдираётганимизни, муқаддас қўрғонни арзимас сабаблар билан бузиш ачинарли ҳолат эканини тушуниб етишяпти.

Йилдан-йилга жамиятимизда эркак ва аёл тенг ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиб бормоқда. Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериляпти. Бу ҳимояга муҳтож инсонни қайсидир маънода қўллаши мумкин. Лекин айримлар сабрсизлик қилиб, кичик баҳоналар билан вазиятни чигаллаштирмоқда. Ўртадан ишонч ва меҳр кўтариляпти. Ачинарлиси, 3-4 ойлик келин-куёвлар ҳам ажралиш ёқасига бориб қоляпти. Уларга кўникиш, бир-бирини тушуниш каби туйғулар бегона. Шу маънода, аввало, ота-оналар учун махсус ўқув курслари ташкил этилиши керак, деб ҳисоблайман. У ерда фарзанд тарбияси билан боғлиқ, уларни турмушга тайёрлаш бўйича билим ва кўникмалар берилса, вазият ижобий томонга ўзгарган бўларди.

ТАДБИРКОР МИНБАРИ

Аёл уддалamаган вазифалар бўлмайди

Боёвутлик Юлдуз Аҳмадқулова ёш бўлишига қарамай, имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўзининг мустақил бизнесига эга бўлди. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширди. Дастлабки босқичда 20 миллион сўм миқдорда кредит олиб, уйда пиширикдар пиширишни бўйича фаолиятини бошлаган бўлса, қарзини ўз вақтида сўндириб, қандолатчилик цехини ташкил этиш лойиҳаси учун яна 80 миллион сўм миқдорда кредит расмийлаштирди.

Гулшода ИБРОҲИМОВА,
журналист.

— *Эндиликда янги, кенг ва шинам бинода иш бошладим,* ***— дейди Юлдуз Аҳмадқулова.*** *— Барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Бошида кредит олишга қўрқдим. “Қўлимдан келмаса-чи, қарзимни қандай тўлайман”, деган хавотирлар бор эди. Авало, таваккал, кейин ҳаракат ва меҳнат билан бугун мана шундай натижаларга эришяпман. 5 та янги иш ўрни яратдим. Уйдаги фаолиятим давомида ҳар ойлик соф фойдам 5 миллион сўмни ташкил этарди. Бугунги кунда ойлик даромадим 10 миллион сўмга етди. Маҳсулотларимизнинг сифати аъло, нархи ҳамёнбоп. Шу билан бирга, харидоргир. Ҳозирда бошқа туманлардан ҳам буюртмалар қабул қиляпмиз. Турли тадбирлар, тўй маросимлари учун пиширикдар етказиб беряпмиз.*



Боёвут туманининг асосий “драйвер”и — аграр соҳа бўлиб, туман аҳолисининг аксарияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланишни маъқул кўради. Садриддин Айний номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Шахло Маматқулова қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш натижасида олинган соф фойда ва ўз вақтида сўндирилган кредитлар туфайли яна қўшимча имтиёзлардан фойдаланмоқда. Ҳозирда 8 та новвос, 50 дан ортиқ жўжалар парвариши билан банд.

Боёвут туманининг “Маданият” маҳалласида истиқомат қилувчи Наргиза Абдулиевага ҳам касбий фаолиятидан келиб чиқиб, қизиқишлари асосида лойиҳа таклиф этилди. Унинг уқалаш курсларида ўқигани инобатга олиниб, ускуна харид қилиш ва мустақил фаолият бошлаши учун 10 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

— *Ҳозирда ўзимнинг 3 нафар фарзандимга ва маҳалламиздаги болаларга уқалаш хизматларини кўрсатяпман,* ***— дейди Наргиза Абдалиева.*** *— Бу фарзандларим соғлиғи учун фойдали. Ҳам рўзғоримга қўшимча даромад келяпти.*

Бугун хотин-қизларимизни турли соҳаларда самарали натижаларга эришаётганига гувоҳмиз. Хоҳ фермер бўлсин, хоҳ чорвадор, тадбиркору ҳунарманд, қандай фаолият билан шуғулланмасин, сидқидилдан адо этади ва кўзлаган мақсадига эришади. Фақатгина қунт билан ҳаракат қилишнинг ўзи кифоя. Боёвутлик тадбиркор аёлларни бир мисол сифатида келтирдик, холос, мамлакатимизда бундай хотин-қизлар минглаб топилади.

САЛОМАТЛИК

ГРИПП КИМЛАРДА ОҒИР ЎТИШИ МУМКИН?



Тадқиқотларга кўра, гриппнинг енгил шакли билан оғриган беморлар организми тахминан 7-10 кун ичида тикланади. Касалликнинг ўрта оғир босқичида бу муддат 10-14 тўрт, баъзан 21 кунгача чўзилади. Гриппнинг оғир шаклидан тўлиқ соғайиб, қувватга кириш учун эса 3 ой вақт зарур. Албатта, тикланиш муддати беморнинг касаллик бошланишидан аввалги иммунитети боғлиқ.

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, юртимизда гриппни юқтириш ва унинг оғир асоратларини бошдан ўтказиш хавфи юқори бўлган ҳамда мавсумдан олдин эмланадиган шахслар тоифаси тасдиқланган. Бу гуруҳга қуйидаги аҳоли вакиллари киритилган:

- ҳомиладор аёллар;
- 6 ойликдан катта болалар ва нафас олиш органлари ҳамда юрак-қон томир тизимларининг маълум сурункали касалликларига чалинган катта ёшлилар;
- 60 ёшдан ошган шахслар;
- 6 ойликдан 59 ойликкача бўлган болалар;
- тиббиёт ходимлари;
- “Меҳрибонлик” уйлари, қариялар ва ногиронлар учун “Саховат” интернат уйлари, ногиронлар ҳамда ногирон болалар учун “Мурувват” интернат уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйларида, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатларда) яшаётган шахслар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

ТАШАББУС

ЯНГИ “ҚИЗИМГА” МЕДИА ЛОЙИҲАСИ



11 октябрь — Халқаро қизлар куни муносабати билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (УНФПА) ва жамоатчилик фаоллари ҳамкорлигида “Қизимга” номли янги медиа лойиҳани ишга туширди.

Ушбу кун қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётида дуч келадиган муаммолар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга бағишланган.

“Қизимга” медиа лойиҳаси — қизлар учун адолатли ва хавфсиз дунё яратиш йўлидаги муҳим қадамдир. Биз оталарнинг қизлар ҳаётидаги ролини қанчалик муҳим эканини яна бир бор эслатмоқчимиз.

Ота нафақат қизини қўллаб-қувватлайди ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, балки унинг салоҳиятини рўёбга чиқариши ва муваффақиятли келажак қуриши учун зарур бўлган ишончни шакллантиради.

Биз барча оталарни ушбу ҳаракатга қўшилишга ва жамиятимиз келажагини шакллантирадиган кучли ва ўзига ишонган қизларни вояга етказишга ўз ҳиссасини қўшишга чақирамиз.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
9 070 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.